

Жимжит Кишлокка жимжитликни бузиб ўшовсиз бир девона оралади. У бир маром ва бир охангда нималардир деб жар солар, ора-чира жинкўчанинг икки томонидаги пасткам уйларга ва ундан ҳам пасткам эшикларга кўз ташлаб, гўё жарига жавоб кутар эди. Ер юзида пайдо бўлганидан бери Кишлок бунака девоналарни, хар турли келган-кетганни кўп кўрган. Бирда: «Кайчи-пичок ўткирлайма-а-ан! Ўрок-кетмон эговлайма-а-ан!» деб чархчи жар солиб ўтади. Кишлокда нима кўп, ўтмас пичогу тўмток кетмон кўп – бир зумда хаммаси шакир-шукур килиб чархчининг олдида тўпланади. Бирда чегачи келиб қолади: «Синган чойнак-пиёла чегалайма-а-ан!» Кишлокликлар болаларининг кўлларига чака бериб, чегачининг олдинги келиши билан хозирги келиши оралигида синган чойнак-пиёла ва коса-лаганларини тутказиб, кўчага чиқазишади. Яна: «Жун олама-ан!» дегани канча, «Увада титама-ан!» дегани канча. Бошка кунлари Кишлок киш бўлса корасовукдан дилдираб, ёз бўлса саратондан жизгинаги чикиб ётаверади. Бахорда бир нафас олади, кузда бир нафас чиқаради. Зерикарли. Бунака келгиндиларни кўравериб Кишлок кўникиб кетган, хамишаги хол деб қарайди. Девонага ҳам парво килмаслиги мумкин эди, лекин унинг сўзлари бу гал сал бўлакчарок туюлди. Девона одамлардан котган нон эмас, эски кийим-бош эмас, нимадир бошка нарса сўраётган эди:

— Уйи куйган ким бор?.. Моли куйган ким бор?.. Багри куйган ким бор?..

Кишлок сергак тортди, шубхаланди. Зерикарли ва туссиз хаётига сал бўлса-да бўлакча бир хаво киритиши мумкин бўлган бу ишдан негадир кувонмади, аксинча, бир оз кўркинч босди уни.

Галати товуш ва ундан ҳам галати сўзлар эгасини кўришга кизиккан тажрибасиз бола-бақрага тажрибали ота-оналар ўшириб беришди:

– Ха, каёкка?! Кайт оркангга!

– Эшикни тамбала! Уйда хап ўтир!

Диккинафас кўчада хали ҳам Девонанинг товуши кезар, жимжитлик шовкинидан том битган кулоқларга унинг товуши аллакандай ёкимли бир эпкин бўлиб кирар, хатто ширали эшитилар эди:

— Уйи куйган ким бор?.. Моли куйган ким бор?.. Багри куйган ким бор?..

Минг тийилмасин, барибир марок устун келди: каттик тамбаланган, зулфинланган ва камига яна ичдан кулфланган эшиклар оркасига Кишлок аста-секин ва ихтиёрсиз равишда сурилиб келди, тиркишлардан кўчага мўралай бошлади.

Ким бўлди бу одам? Нега бирдан бунака нарсаларни сўроқлаб колди? Уста бўлиб устага ўхшамайди, куйган уйларни бутлаб берай деса? Бой бўлиб бойга ўхшамайди, моли куйганларга суянчик бўлса? Табиб бўлиб табибга ўхшамайди, куйган багирларга дори кўйса? Ким ахир?..

Гирт девона! Сўзи туришига, туриши сўзига уйгун келмайдиган дали! Албатта, Кишлокда уйи, моли ё багри куйганлар канча, лекин шу пайтгача биров буларни сўрамаган-да.

Узокдан келиб сўраш тугул, кишлокликларнинг ўзи ҳам бир-биридан юрак ютиб, товуш чиқариб хол сўрамай кўйган. Бир хисобга, сўраб нима қилади, қачондан бери бир осмон остида, бир тупрок устида бирга-бирга яшаб келади, бир-бирининг холини хар ким ўзи кўриб-билиб турибди, кўриб-билиб турган нарсасини яна сўрайдимми?!

Шундай бир паллада... қандайдир бир Девона... иссиқдан пишиллаб ётган Кишлокда... кўчама-кўча юриб... қанақадир бир нарсалар деса!

Жинкўчалар узра момакалдирокдек туйкус янграган бу товуш, албатта, шубхали ва кўркинчли эди. Ахир, момакалдирок ҳам бахорга ярашади. Куздаям майли дейлик, аммо ёзнинг кок ўртасида гулди-раши...

– Нима деяпти? – деб сўрайди кизикувчан хотинлар.

– Овозингни ўчир! Ишинг бўлмасин! – деб жеркийди эҳтиёткор эрлар.

Ичкариларда хол бу экан, ташкарида Девона хайрон эди. Ўликми бу кишлок, деб ўйлайди. Узун умри ичида не-не юртларни кезди, не-не одамларни кўрди, аммо бунака гунг Кишлокка энди йўликиши. Бирон-бир офатдан ахолиси кирилиб, кимсасиз шўппайиб колган шахару кишлоклар ўтмишда кўп бўлган, албатта. Бу кишлоккаям якин орада бирон офат келдимикан ё? Ундай деса, кўринишидан жуда унака ташландик маконга ўхшамайди, якин-якинларгача одам яшаганининг излари билиниб турибди.

Лекин жимжитлик, худди ўлик дейсиз.

Шунга карамай, Девона кандайдир бир ички сезги билан, Кишлокда биронта тирик жонзот колган бўлиши керак-ку, ахир, деган умидда жар солишдан тўхтамасди:

— Уйи куйган ким бор?.. Моли куйган ким бор?.. Багри куйган ким бор?..

Шу палла... этакдаги бир эшик гийкиллади. Бунака сўровга жавобан биронта эшикнинг очилишини сира кутмаган Кишлок сапчиб тушди. Шу дамгача жимжит кечаётган турмушини безовта килган бу гийкиллаш, назарида, яна жуда узок замон боши узра кўркинч солиб янграб тургандай бўлди. Эшикларни кия очиб, хадик-хавотирда, товуш чиккан томонга мўралади.

Этакдаги кулбада эски замонлардан бери бу Кишлокка бегона бир одам яшарди.

Каердан келиб колган, ота-онаси ким, хешлари борми, нима иш килади – Кишлок буни билмас, уни танимас эди. Кейинги пайтлар ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб кетиб, Бегона баттар кўзга чалинмай колганидан, хатто ўлдига ҳам чиқариб кўйган.

Бу нима деган гап, бир киши ўлса, Кишлок билмасми, одамлар тўпланиб кўммасми?!

Ха, одам тўпланмаса ҳам, ўлган кишини кўммаса ҳам, кимнингдир ўлганини Кишлок билмай колса ҳам, бўлавераркан! Нега деганда, хозир кўплар ховлисида ўзига гўр казиб, уйини мозор килиб олган – шу йўл ўнгай келиб колди: ха, деса, ювинмаёк, кафанга ўранмаёк, гўрига кириб кетяпти. Ўлиш осон ва текин бўлиб колди. Хеч кимга огирингиз тушмайди, Кишлок ҳам билмай колаверади.

Йўк, хартугул, Бегона хали ўлмаган экан, ўлмаганини Кишлокка ёгсираган эшиги билдирди. Жимжитлик пардасини чок-чокидан сўкиб, бу паскам эшик бу улкан оламга жар солди:

— Гий-й-йик!..

Кейин остонада Бегонанинг жуссаси ҳам кўринди. Бўйинини чўзиб, пича теваракни синчилади, ниҳоят, кўнгли тинчландими, аста кўчага оёк кўйди.

Девона тўхтади. Ўлимсанги Кишлокда туйкус пайдо бўлган бу тирик одамга ажабсиниб каради.

Чиндан ҳам, Бегона шу туришида худди гўрдан чиқиб келаётганга ўхшарди: тириш босган юзида кон асари йўк, ўсик кошларидан кулокларигача, кулокларидан елкаларигача, елкаларидан бурнию патила сокол-мўйловигача ўргимчак ин тўкиб ташлаган; кийимлари ҳам илвирок. Юрганида, ўргимчак тўрларини авайлагандай, оёгидан бошка жойини кимирлатмасликка тиришиб юрарди.

Девонага якинрок келиб, тўхтади. Огзини хиёл очди, орада Кишлокка олазарак бокди, хайикдими, гапира олмади, аммо нималардир дегиси келаётгани куюк тўр ичра хирагина йилтираб турган кўзларидан билгили эди.

Девона узок кутди, хадеганда Бегонадан сас чикавермагач, ўзи бирнималар дегандай бўлди.

Кишлок унинг гапини эшитмади, лекин кўчага чикишга, бу Девона билан бу Бегонага якинлашишга, гапларига кулок солишга юраги бетламади ҳам.

Девона яна кута-кута, кутганига эришавермагач, охири Бегонанинг ис босган кулогига огзини кўйди ва... бир ўкирди!

Бу ўкириқдан Бегона титраб кетди, бошию кўлларини ихтиёрсиз кимирлатиб юборди. Ўргимчак тўрлари чирт узилди.

Кейин Девона кетди. Жар ҳам солмай кўйди, оркасига ҳам карамади, Кишлокда қандай тўсатдан ва билинтирмай пайдо бўлган бўлса, шундай тўсатдан ва билинтирмай йўқолди.

Бегона яна эшигини гийкиллади... гўрига кириб кетди.

Кишлок тагин жимжитлик чуқурига чўкди.

Бу сирли-жумбокли манзара кўзлардан тез ўчгани сингари эслардан ҳам тез ўчди. Худди аслида бўлмагандай...